



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 12 октябр, жума № 159 (1173)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЖАНУБИЙ ТАНДИРЧА КОНИДА

Қашқадарё бағрида очилмаган казиналар кўп. Мустақиллик шарофати билан воҳанинг ер ости бойликлари мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шўртан нефть ва газ конлари бошқармаси меҳнат жамоаси Истиклолнинг ўн йиллигини муносиб совғалар билан нишонлади. Қорхона бошлиғи Олим Муродовнинг хикоя қилишича, табиат бойликларини қидирув ва қазийш ишлари тобора кенгайиб бормоқда.

1982 йилда Жанубий Тандирча кенгликларидаги газ ва газ конденсати конида кенг қамровли ишлар бошланган эди.

Орадан қарийб 19 йил ўтди. Геологларнинг тинимсиз изланишлари ва кўрсатган жасорати ўз самарасини берди. Кондан дастлабки хомашё олина бошланди.

— Ҳозиргача 23 та қудуқ қазилиб, шундан ўнтаси фойдаланишга топширилди, — дейди Ҳисорак нефть ва газ конлари кидрув экспедицияси бошлиғи Қобилжон Тўхтаев. — Бурғаловчи ва монтажчиларимизнинг туну-кун қилган меҳнатлари туфайли муваффақиятга эришилди.

Нефть минораларининг ўткир чиқроқлари олисдан кўзга ташланади. Бурғалаш ускуналари тун осийшталигини бузиб, бир маромда ишлаб турибди. Геологлар, қурилма машинистлари ва экскаваторчилар, электрпайвандчи, монтажчилар тиним билишмайди.

— Ўн беш йилдан бери меҳнат жамоасида ишлаб келаяпман, — дейди пармаловчи Норбой Фаниев. — Вазифалар масъулиятли доимо мураккаб иш жараёнларини бажаришга тўғри келади.

Ҳақиқатан ҳам пармаловчилик етарли малага ва катта тажрибани талаб этади. Ер қатламларининг зичлиги, қаттиқ ва юмшоқлигини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш керак. Бунда мазкур пармаловчининг орттирган кўп йиллик тажрибаси кўл келмоқда.

Норбойнинг ҳамкасблари бурғаловчи Ўрол Бердиев, ишчилардан Баҳодир Маҳмудов, Умид Пардаев, Баҳодир Худойкуловлар ўз касбининг усталаридир.

Жанубий Тандирча кони муддатидан илгари ишга туширилди. Қудуқлардан «қора олтин» ва табиий газ олина бошланди. Геологлар эса ҳамон изланишда.


Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ТАБИЙ ГАЗ ВА ИЧИМЛИК СУВ КЕЛДИ

Олот туманида қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Туман марказидан анча олис қишлоқларга ҳам табиий газ ва ичимлик сув қувурлари тортилмоқда. Шу кунларда тумanning Ф.Хўжаев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган қишлоқлар аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўла бошлади. Газ қувурларини монтаж қилиш, зарур ускуналар ўрнатилиши каби ишлар асосан хўжалик даромади ҳисобидан қопланди.

Шунингдек, тумanning «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигидаги йирик аҳоли пункти - Чандир қишлоғининг юзлаб хонадон ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

(ЎЗА).



Шарқ аёллари қадимдан тadbиркор ва хунарманд бўлганлар. Бухоролик Бибиражаб бундан уч йил муқаддам тикуччиликка ихтисослашган «Раҳмат бобо» ишлаб чиқариш фирмасига асос солган эди.

Айни чоғда бу ерда 15дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Охунбобоев туманидаги «Чимкент» қишлоғида макарон цехи ишга туширилди. У туман «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлиб, бир кеча-кундузда 3 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Суратларда: тикув цехининг умумий кўриниши; илгор ишчи Дилором Файзиева.

С.ЗУФАРОВ ва Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

АЛЛОМА МУЗЕЙИ

Шарқнинг кўна шаҳарларидан бири - Термизнинг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан қомусий олим, буюк аллома Ал Ҳаким ат-Термизий макбара мажмуаси ёнида «Мерос» музейи биноси қуриб битказилди. Музей уч зайдан иборат бўлиб, улар «Термизий алломалар», «Қадимги ёзувлар», «Халқ оғзаки ижоди ва амалий санъати» деб аталади.

Ҳозир бу ерда республика Бадий академияси ва «Наққош» уста қорхонасининг моҳир мусаввирлари беэош, ҳар бир залга ўзига хос ранг таллаш устида иш олиб бормоқда. Нобб экспонатларни жойлаштириш таррадуди кўриляпти.

Манбалардан маълумки, Термизда турли даврларда алломалар томонидан илму фаннинг кўплаб йўналишлари, жумладан, фалсафа, тарих, ҳадисшунослик, илми нуҷум, математика, тиббиёт ва руҳий билимлар, адабиёт каби ўнлаб соҳаларга оид асарлар битилган. Юбилей муносабати билан барпо этилаётган ушбу музей миннатдор авлодларнинг улуг аждодлар хотирасига эҳтиромни рамзидир.

(ЎЗА).

Бугуннинг долзарб мавзуси

Шу кунларда бутун жаҳон ахли, шунингдек, мамлакатимиз халқи ҳам Афғонистон ҳудудидаги халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш мақсадида олиб борилаётган амалий ҳаракатларни диққат билан кузатишмоқда. Халқаро терроризмга қарши аёвсиз курашнинг моҳиятини чуқур аңлаш керак. Бу кураш жафқоқаш афғон халқига ёки ислом дунёсига, мусулмон оламига қарши қаратилган эмас. Жумладан, АҚШ Президенти Жорж Буш Конгрессда сўзлаган нутқида «Биз ислом динига қарши эмасмиз, ҳеч қачон қарши бўлган эмасмиз ва хамиша ислом динини ҳурмат қилиб яшашмоқдамиз, миллион-миллион Американикулар ҳам ислом динига эркин эътиқод қилиб келмоқда, бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас», деб таъкидлади.

Бугунги воқеалар инсоният терроризмга тўлиқ ва узил-кесил хотима бериши учун қатъий кураш бошланганлигини кўрсатмоқда. Етук олимлар, ҳарбийлар ва хавфсизлик идоралари мутахассисларининг таҳминига кўра, халқаро терроризмга қарши кураш бир неча босқичда ва айни пайтда узоқ йиллар давом этади. АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелднинг таъкидлашича, жаҳонда терроризм манбаларини бутунлай йўқ қилиш 5 йилдан 10 йилгача давом этиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам ўта мураккаб халқаро жараён — бу.

Асримиз вабоси бўлиши бу жirkanч терроризм иллатининг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдишларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш — барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак. Президентимиз Баёнотида таъкидланганидек, жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Терроризмга қарши кураш бутун жаҳон муаммоси эканлигини таъкидладик. Ана шу муаммони ҳал этиш инсониятнинг қай даражада ва қандай куч билан бирлаша олишига, жипслашуви ҳам боғлиқ. Бу ерда аввалги гоёвий ва мафқуравий тафовутларнинг таъсир этиши, эски адоват ёки кўра олмаслик ҳолатининг устун келиши айнан дунё бирлашуви, ўзаро ҳамжиҳатликка салбий омил бўлади.

Масалан, Ироқ раҳбариятининг Афғонистондаги воқеаларга қандидир «агрессия» нуқтани назардан қараётганининг ҳам ўн йил аввалги (Форс кўрфазидаги) можаро асоратидан бошқа нарса эмас. Агар масалага чуқур назар солсак, терроризм балоси бошқа халқларга қанчалик хавф солаётган бўлса, Ироқ халқлар ҳам шу даражада ташвиш ва қайғу келтирмоқда.

Еки яна бир эътиборга молик ҳолат. Афғонистонда халқаро террорчиларнинг тўпланиши, нарқобизнес ва бошқа ноҳуш вазиятнинг юзага келиши қочоқлар сонининг доимо юқори даражада бўлишига олиб келди. Расмий маълумотларга кўра, ҳозир Эронда 1 миллионга яқин, Покистонда

эса 2,5 миллиондан ортиқ афғон қочоқлари бор. Бундан ташқари, Афғонистонда тўрт йилдан бери сурункали давом этаётган қурғоқчилик мамлакат аҳолисининг ташқарига чиқиб кетиш кўламини яна ҳам кенгайттирди.

Демак, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва айниқса сиёсий ҳаёти издан чиққан бир шароитда халқаро терро-

зия, Ироқ, Иордания, Судан, Яман каби мамлакатлар заминидан ҳам олиб борилиши режалаштирилган. Бўлажак ҳарбий ҳаракатлардан бош мақсад террорчилар ва уларнинг ҳомийсига айланган кучларни йўқ қилишдир. Бу операцияларда АҚШ ва Англия ҳарбий бўлинмаларидан ташқари Франция, Австралия, Канада давлатларининг қуроли кучлари ҳам иштирок этади. Форс кўрфазидаги ҳарбий ҳаракатлар чоғида (1991 йил) Германиянинг собиқ федерал канцлери Гельмут Коль ўз иттифоқчиларини асосан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган бўлса, ҳозирги ҳукумат раҳбари Герхард Шрёдер Германия бундесовери қўшинлари антитеррор амалиётларида бевосита иштирок этишини билдирди.

Шу тариқа жаҳон давлатлари йирик Фарб мамлакатлари етакчилигида терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчада бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ, бузғунчи мафқура билан таъминлаётган, қўпорувчилик, босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жойларга жўнатылган ёвуз ниятли марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири билан сўхбатда алоҳида уқтириб ўтганидек, «Бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим».

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи.

Сўнгги хабарлар оқимидан




ЙИРИК БОМБАЛАР ИШГА СОЛИНДИ

Афғонистондаги антитеррористик операциянинг тўртинчи кунини америкалик ҳарбийлар тасарруфларидаги йирик бомбаларни ишга солишди. В-2 стратегик бомбардимончи самолётлар 5000 фунт (салкам 2250 кг)лик GBU-28 бомбалари билан қўшин ва техникага қарата зарба берди. CNN телекомпанияси шу ҳақда хабар қилди. Бу зарбалар айнан қайси ҳудудга берилгани маълум эмас. Бироқ, баъзи маълумотларга қараганда, толибларнинг Қандаҳордаги таянч нуқталари ушбу ҳаво ҳужумига нишон бўлган.

АЭРОПОРТЛАР АСОСИЙ НИШОН

Associated Press ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Афғонистондаги аэропортлар АҚШ ҳаво ҳужумининг асосий нишонларидан бири



бўлиб қолмоқда. Унинг ёзишича, Қобул аэропорти қаттиқ портлашлар остида қолган. Шунингдек, Усама бин Лодин жангариларининг лагерлари мавжудлиги таҳмин қилинаётган Қобулнинг фарбий қисми ҳам зарбаларга нишон бўляпти, деб ёзади Associated Press. CNN таркатган хабарга кўра, Қандаҳор аэропортига ҳам ҳаводан зарбалар берилган. Аэропорт биноси батамом вайрон бўлган.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНИШ АРАФАСИДА

АҚШ толибларга қарши операциянинг иккинчи босқичини бошлаш та-

раддудини кўрмоқда. Энди қуруқликдан ҳужумга ўтилади. Худудга қўшимча равишда 2 минг нафар денгиз пилёдалари, кўплаб миқдорда қурол-яроғ ва техника ташланади. NBC телекомпанияси АҚШ маъмуриятидан олинган манбаларга асосланиб, шу ҳақида хабар берди. New-York Times газетасининг ёзишича эса, асосий кучларга ёрдам бериш мақсадида Покистон ва Туркияда таянч базалари ташкил этилади. Бу ерларда 3 минг нафардан ортиқ ҳарбийлардан иборат махсус бўлинмалар жойлаштирилади. Бундан ташқари, АҚШ тарғибот компаниясини ҳам олиб бормоқчи. Бунинг учун Афғонистоннинг барча ҳудуди бўйлаб кўплаб транзит-



сторлар ташлаб чиқилади. «Си-130» самолёти билан чегарага олиб келиб ўрнатилган радиостанция орқали антитерроризмни ташвиқ қилувчи эшиттиришлар узатилади.

ҲАВО ҲУЖУМЛАРИДАН СЎНГ...

Газета RUning Интернет орқали таркатган хабарга қараганда Қобулда электр энергияси батамом ўчирилган. Толибларнинг баёнот беришича, ҳаво ҳужумларидан сўнг 76 нафарга яқин киши ҳалок бўлган, салкам 100 киши жароҳат олган.

ЧЕГАРАДА ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

Афғон-Покистон чегарасида толиблар ва Покистон ҳарбийлари ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. Толиблардан бир гуруҳи Пешовар шаҳрига ўтмоқчи бўлишганида чегарачилар қаршилик кўрсатишган. «Ал-Ҳазира» газетасининг хабар беришича, тўқнашув уч соат давом этган. Уч нафар чегарачи яраланган. Чекинган толибларга қандай зарар етгани маълум эмас. Ушбу ҳодисани расмий равишда Покистон ҳам тасдиқлади.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Хитойпоён қишлоғида яшовчи Машраб Бердикулов Англиядаги Wolverhampton университетини бронза медал билан тугатиб қайтди.

МАШРАБ АНГЛИЯДАН ҚАЙТДИ

«Умид» жағгармасининг тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Буюк Британиянинг энг нуфузли университетларидан бирига йўлланимани кўлга киритгандим, — деди Машраб Бердикулов «Туркистон-пресс» муҳбирига. Мазкур университетда жаҳоннинг юздан зиёд мамлакатидан келган талабалар тахсил олишар экан. Университетда талабаларнинг мустақил ишлашига асосий эътибор қаратилади. Шуниси диққатга сазоворки, университет кутубхоналари ва компьютер заллари ҳамisha талабалар билан гавжум. Ёшлар бу ерда ўзларини қизиқтирган барча ахборотни олишлари мумкин.

Машрабнинг отаси Аликул ака ва волидаси Рисолат опа ўғилларининг муваффақиятларидан бошлари осмонда.

«Умид» жағгармаси йўлланимси билан хорижда ўқиётган ёшлар яхши касб эгаси бўлиб юртимизга қайтишади. Ишонамизки, уларнинг хорижда орттирган билимлари она ватанимизнинг порлоқ истиқболига хизмат қилади, деди ота-оналар.

ҚАРШИДА «ФЬЮЧЕРС»

ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Шу кунларда Қарши шаҳрининг марказий теннис кортиларида аънанавий «Фьючерс» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда. Турнирда Марказий Осиё ва Европада давлатларидан 60 га яқин номдор теннисчи иштирок этмоқда.

Кизгин беллашувлардан сўнг, биринчи босқич бахслари якунланди. Мамлакатимиз номидан қатнашаётган ўн нафар ракетка устасидан фақат учтаси - Дмитрий Томашевич, Абдулхамид Маҳкамов ва Антон Кокурин иккинчи босқичга йўлланим олиди. Шунингдек, россиялик Алексей Гаврилов, Сергей Кротюк, украиналик Николай Дячок, исроиллик Лиор Дахан, болгариялик Тудор Енев, словакиялик Юраж Хаско ҳамда белорус теннисчиси Александр Швец ҳам кейинги босқичга муваффақиятли ўтди.

Халқаро турнир давом этмоқда. (ЎЗА).

ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНДИН!

1997 йилда Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби нашрдан чиққанида кўнглимдан, «бу давлатимиз раҳбарининг ўз халқи билан самимий, ошқора ва очик суҳбати бўлибди», деган гап ўтган эди. Китобда дўст ким, душман кимлигини ажратиб олиш таъкидланган, минтакамизнинг, дунёнинг хавфсизлигига таҳдид солиб турган кучлар очик-ошқора, яширмасдан кўрсатиб берилган эди. Буни жаҳон афкор оммаси ҳам ўзига қаратилган чақирикдай қабул қилганди. Шу боис ҳам Президентимизнинг бошқа асарлари каби ушбу китоби дунёнинг ўнлаб мамлакатларида нашр этилди, нашр этилмоқда ва кизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда.

Президентимизнинг Баёноти ҳам, ЎЗА мухбири билан суҳбати ҳам ана шундай очик ва ошқора, ҳақиқат юзига тик қараб айтилган сўз бўлди.

АҚШда содир бўлган воқеа жаҳонда террор борағисидидаги фикрларни кескин ўзгартириб юборди. Фалвир силкинганда дон донга, сомон сомонга ажралгандек, ушбу даҳшат ҳам одамларнинг кўнглидаги қарама-қарши фикрларни юзга чиқарди. Ҳозир қайси даврда бўлманг, бутун дунё, хусусан, ўзбекистонликлар ҳам ана шу воқеанинг сарҳисобини қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги Америка халқининг қайғусига шерик бўлиб, ҳамдардик билдирапти. Бу шароитда Президентимиз, ҳукуматимиз тугган йўлни қўллаб-қувватлапти.

Лекин, шу билан бирга, баъзиларда бу кураш жаҳон урушига, мусулмонлар ва насронийлар ўртасидидаги курашга, цивилизациялар жангига айланиб кетмасмикин, деган ҳавотир ҳам йўқ эмас. Шунингдек, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига худудимиздан туриб афгон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва кутқарув-қидирув операциялари ўтказиш учун имкон бераётганимиз толибларни бизга ўқатиштириб қўймасмикин, деган ҳадиқлар бор.

Бундай ҳадиқларга жавобни ҳаётнинг ўзи бе-

риб турибди. Яъни, толиблар бизга бундан ортиқ

ОЗОДЛИК КУРАШ ДЕМАКДИР

яна қандай ўқачиксин. Улар неча йиллардан бери тинч тараққиёт йўлидаги Ўзбекистонга таҳдид солиб келади-ку. Масалан, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларида суқилиб қирмоқчи бўлган ёвуз кучлар, 1999 йилнинг 16 февралда юртимизда давлат тузумини кулатмоқчи бўлган ва Юр-тбошимизнинг ҳаётига қасд қилганлар ахир ўша толибларнинг паноҳида Афғонистондаги террорчилар тайёрловчи махсус лагерларда таълим қўриб, фатво ва маблағ олаётганлар-ку. Уларнинг ёвуз ниятлари ҳақида Президентимиз аллақачон аҳли дунёни огоҳлантирган ва бугун яна барчамизни огоҳликка ва ҳушёрликка чакирмоқда. Америка фожеасидан кейин жаҳон ҳамжамиятининг кўзи очилиб, террорнинг илдизини қуриштига отланган экан, бизнинг бу ҳаракатдан четда туришимиз асло мумкин эмас.

Ҳаром пул қутуртиради, дейди халқимиз. Афғонистондаги террорчи, экстремистик гуруҳларни наркотиклар савдосидан ва бошқа жиноий йўллар билан

топилган ҳаром сармоялар қутуртиргани аниқ. Улар жаҳон ҳамжамиятининг огоҳлантиришига қўлоқ осмагани учун бугун жазога гирифтор бўлмоқда.

Президентимизнинг Баёнотида айтилган яна бир фикрга диққатингизни қаратмоқчиман. Хусусан, Ўзбекистонга нисбатан бўлаётган информацион хужумларга беларво бўлмаслик даркор.

Баъзи «дўстларимиз ўз кўнглиларидаги истакни ҳақиқат қилиб кўрсатиш

Ишончим комилки, иймони бутун, эътиқоди бақувват, буюк аждодларимиз руҳидан куч ва мадад олиб яшайдиган халқимиз террорчи гуруҳларга қарши дунёдаги барча соф ниятли кучлар билан бирлашиб, ўзининг азму шижоати ва қатъиятини намойён этиб, терроризм деган жирканч иллатни дунё халқлари ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Ислам КАРИМОВ.

Ўз уйингни ўзинг асра

албатта. Бахтга қарши шундай оилалар ҳам борки, уларда фарзандлар тарбияси, камолоти учун шароит етарли эмас. Шундай мисол келтиришди. Эр-хотин жанжаллаша-жанжаллаша охири ажралишди. Уч нафар фарзанд бўзлаб қолди. Сабаби хонадон соҳибаси спиртли ичимлик истеъ-

МАҲАЛЛАДАГИ БЕҒОНА КИМ?

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Мухтор Ашрафий номидидаги маҳаллада 3072 нафар аҳоли яшайди. Шундан 977 нафари ёшлар. Уларнинг ҳаётда ўз уринлари, бахтларини топишлари йўлида хайрли ишлар амалга ошириляпти. Кўпга бош бўлаётган нуронийлар, фаоллар «Бир болага етти кўшни ота-она» деган нақлга амал қилиб, тарбиявий-ташқилий ишларни жонлантириляпти. Фуқаролар кенгаши раиси Тешабой Назаровнинг таъкидлашича, аксарият кўнглисизликлар бекорчиликдан келиб чиқади.

— Ҳисоблаб чиқсак, маҳалламиз ҳудудиде яшаётган ёшларнинг 87 нафари ҳеч жойда ишласа экан. Ўша кунни шаҳар бандлик бошқармаси билан боғлашди. Бизга ўз вақилини юборишди. Саёҳат-ҳаракатлар натижасида ёшлардан 14 нафари ўзи хоҳлаган ишга жойлашди. 10 нафари эса бугун-эрта фаолият бошлади.

Мухим ишнинг асосий юки ота-она зиммасида,

мол қилар, оилада, маҳаллада обрўсини йўқотганди. Мазкур хонадон фарзандларининг тақдирига маҳалла фаоллари бефарқ қарашмади. Суд орқали улар оталарининг қарамоғига ўтказилди.

Маҳаллада огоҳлик, ҳушёрлик ҳаёт тарзига айланмоқда. Хонадонларга келиб-кетувчилар, шахси номаълум кимсалар доимо назорат остида. Кимнингдир ноҳўя ҳаракатини пайқашса, қўллашиб танбех беришади. Лозим бўлса амалий ёрдам, мадад кўрсатилади. Ҳар ойда бир марта туман ички ишлар бўлими, маҳалла нозирлари билан биргаликда рейд ўтказилмоқда. Ана шундай кузатувларнинг бирида шахси номаълум бўлган, турли вилоятлардан келган кишиларни тўрт-беш хонадон ижарага қўйганлиги маълум бўлди. Тегишли идораларга маълум қилиниб, хонадон эгалари огоҳлантирилди.

Асқар ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири.

НУРОНИЙЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ ФИКРИ

Халққаро терроризмининг катта ўчоқларидан бири деб тан олинаётган афгон тупроғида АҚШ ўз ҳарбий амалиётларини олиб бормоқда. Ҳўш, уруш бораётган мамлакатга чегарадош бўлган сурхондарёликларнинг бугун кайфияти, руҳияти қалай? Айрим-айрим матбуотларида ёзилаётганидек, термизликлар қўшни юртдаги уруш савдоларини эшитиб саросимага тушиб қолганлари йўқми? Умуман уларнинг Америка олиб бораётган урушга нисбатан, қолаверса Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши курашини ёқлаётганлигига муносабатлари қандай? «Туркистон-пресс» мухбири ана шу саволлар билан айрим сурхондарёликларга мурожаат қилди.

Орзикул Соатов, Сурхондарё вилояти «Нуроний» жамғармаси кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

Менимча тўғри ва адолатли йўл танланди. Нафақат қурол-яроғ сақланадиган омборларни, террорчилар лагерларини, балки гиёҳвандлик уяларини ҳам яқсон қилиш керак. Таъбир жоиз бўлса, бин Лодиннинг танглайини гиёҳвандлик, зўравонлик кўтарди. Пировард натижада афгон халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилмоғи керак. Мен вазифам тақозосига кўра доимо эл орасида юраман. Юзлаб одамлар билан суҳбатлашаман. Уларнинг барчаси менга тинчлик ва хотиржамлик тарафдори эканликларини қайта ва қайта айтишади.



Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманининг Катта боғ ҳамда Янги камолон маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган тадбирларда терроризм инсониятнинг ашаддий душмани, уни тағ томири билан қўпо-ри ташлаш эзгу ниятли инсонларнинг энг муҳим иши эканлиги таъкидлаб ўтилди.

— Террорчилар кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган ёвузликлар содир этиб, беғуноҳ инсонлар умрига зомин бўлмоқдалар, — деди Янги камолон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қажҳор Содиқов, — уларга, шафқат йўқ.

Суратларда: маҳаллаларда бўлиб ўтган тадбирлардан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



Башариёт тарихида шундай даврлар бўладики, у солнома-лар саҳифаларига қора сатрлар билан битилиб қолади. Зотан, бундай саналар қатор мамлакатлар, қурраи замин халқлари, қолаверса, бутун жаҳон тақдирига даҳлдор бўлади. Жорий йилнинг 11-сентябрида АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон шаҳарлари, Пенсильвания минтақасида рўй берган воқеалар ана шундай машҳур фожеалар сирасига кирди. Уша ходисалардан сўнг дунё ҳайратга тушди, одамлар пол қолди, нуфусли халққаро ташкилотларнинг, махсус хизмат маҳкамаларининг, юқори мартабали давлат раҳбарларининг, масъул лавозимдаги арбоб-

ларнинг иш мароми бузилди, ташвишлари ортди, тинчлиги йўқолди. Чунки, анчадан бери тилга олинаётган, инсоният душмани деб аталиб келинаётган «буюк бало» — терроризм ўзининг бутун бўй-бастини яққол кўрсатди. Минг бошли мазкур аждаҳо ўзининг қандай қиёфага эга эканлигини ростмана намойиш этди.

Бутун жаҳон афкор оммаси қалбига айна кунларда «Дунёда нималар бўляпти ўзи?» деган оғир савол муҳрлиб қолди. Ҳўш, терроризм, экстремизм, фашизм, нигилизм, шовинизм, буюк миллатчилик, диний ақидаларастлик деб аталмиш манфур тушунчалар нималарни англатади, улар-

нинг мақсад-муддаолари нима, бу йўлда қирган кимсалар не сабабдан хунрезлик, қонхўрлик, босқинчилик, бузғунчилик, вайронкорлик, қабоҳат тизгинларини тутдилар? Нима учун улар кимки жафо қилса, жафо топғусидир, деган азалий ҳикматни ёддан мусово қилдилар? Жа-воб осон эмас. Ҳамма ҳам бундай ёвузликларнинг туб сабабларини дафъатан англай олмаслиги мумкин.

Шу боис бўлса керак, «Ишонч» тахририятига кўнги-рок қилувчилар кўп. Юртдошларимиз 11 сентябрдан олдинги ва кейинги воқеалар ҳақида батафсил ахборотлар беришимизни илтимос қил-моқдалар.

ихтилофларнинг олди олинмаси улар бошқа минтақаларга ҳам ўтиб кетиши, халққаро терроризм ер юзидида қатор мамлакатларга хавф солиши турган гап, шунинг учун «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деб хитоб қилганди. Булардан ташқари БМТ, Оврўпода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Давос анжуманлари, ЕХҲТнинг Истамбул саммити каби йиғинларнинг юксак минбарларидан туриб, неча бор халққаро терроризмга қарши биргаликда шафқатсиз курашмоқ лозимлигини таъкидлаш ва қимматли тақлифларни илгари сурдилар.

Аммо, ҳамма ҳам терроризмнинг беқийс хавфини ўз вақтида тушуниб етмади.

БУ КУННИ ХЕЧ КИМ УНУТМАЙДИ

11 сентябр тонггининг тим қора бўлиб отишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган эди. Эрталаб соат 8.45 да Нью-Йоркдаги басавлат сав-

до марказининг осмон-ўлар 110 қаватли эгизак биналарининг бири-ши Бостон-Лос-Анжелес йўналиши бўйлаб парвоз қилган «Боинг» тай-ёраси, орадан 18 дақиқа ўтгач эса иккин-

ЙЎҚОЛДИН

чи бинога бошқа бир ҳаво кемаси келиб урилди. 9.40 да эса Вашингтондаги АҚШ Му-доффа вазирлигининг биносига учинчи самолёт келиб урилди. Сал кейинроқ Жанубий Пенсильвания даштига бошқа бир тайёранинг қулаб тушганлиги маълум бўлди. Бу хужурлар натижасида қанчадан-қанча одам ажал топди. Улар орасида дунёдаги 80 дан зиёд мамлакатларнинг фуқаролари бор эди.

Дунё қўчиб уйғонди. Алаб оқибат терроризм

Бизнинг шарҳ

бутун инсоният душмани деб эълон қилинди. АҚШ Президенти Жорж Буш жаҳондаги барча мамлакатларни бу ба-

лайнс» самолётларини олиб қочган Муҳаммад Атта, Наваф ал-Ҳазимлар жомадонларидан топилган мактублар ба-

КАТТА САБОК

Машойиҳлар «Донолар сўзига эшитган онда риоя этсанг, нафи минг чандон зиёд бўлур» деб беҳиз айтимаганлар. Келинг, бунга амин бўлиш учун беш йил орқага қайтилик. 1997 йил ўрта-ларда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср

бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби нашрдан чиқди. Зеро, унда истиқ-лолимиз, истиқболимиз ривожига, Марказий Осиё минтақасида давлатлараро муносабатларда вужудга келган вазият, Яқин Шарқ, Афғонистон, Тожикистон, Кавказорти, Чеченистон, Озарбайжон, Абхазия

худудларидаги фуқаролар урушлари, миллатлараро низолар, ҳарбий тўқнашувларнинг туб сабаблари назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил этиб берилди. Юртбошимиз ўшандаёқ эртани олдиндан кўра билиб, келажақда Афғонистон, Тожикистондаги мо-жаролар ҳал этилмас экан, уларнинг кенг камровли жанжалларга айланиб ке-

тиш хавфи бор, деб ёзган эдилар. Бунда кўпроқ мамлакатлар иқтисодийётига, қочоқлар масаласига, гиёҳ-вандлик, халққаро терроризм, қурол-яроғлар савдоси, айрим бир давлат ичидидаги тинчлик, осойишталикнинг, миллатлар ва элалараро тотувлиқнинг барқарор бўлишига алоҳида урғу берилган эди. Давлатимиз раҳбари мазкур

Касаба уюшмалари бозор шароитида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III Курултоида республикамиздаги энг оммавий жамоат ташкилотининг диққат марказида инсон турмоғи, шу боисдан ҳар бир фуқаро ҳуқуқий ҳимоянинг барча воситаларидан баҳраманд бўлишига эришиш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Касаба уюшмалари эса меҳнатқашларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда катта имкониятга эгадир.

Республика ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасида бу соҳада анчагина

бирга ишлаб чиқариш муҳитининг зарарли бўлгани учун маъмурият томонидан сут маҳсулотлари берилмаётгани хусусида мурожаат этган. Мазкур ариза юзасидан иш берувчилар билан музокаралар олиб борилди ва муаммо ўзининг ижобий ечимини топди.

Масаланинг қизиқ томони шундаки, айрим корхона, ташкилот

ИШЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

ишлар амалга оширилмоқда. Аниқ тадбирлар асосида меҳнат жамоаларида ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ходимлари, хотин-қизлар кенгашлари билан ҳамкорликда турли «Давра суҳбатлари», учрашувлар ўтказилди. «Ҳақ ҳуқуқингизни биласизми?» рукни остида кўргазмали чиқишлар уюштирилмоқда. Меҳнат жамоаларида хотин-қизлар мавқеини ошириш, муҳим тадбирлар фаол иштирокини таъминлашга эришиляпти. Шу мақсадда тармоқ касаба уюшма Марказий ҳамда вилоят кўмиталарида хотин-қизлар комиссиялари тузилиб, фаоллиги ошириляпти. Мазкур кўмиталар аёллар учун хавфсиз иш шароити яратиш, ишсизликнинг олдини олиш, касбга қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Тармоқда мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини бажариш мақсадида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Айнан шундай тадбирлар жойлардаги корхоналарда ҳам уюштирилмоқда. Янги Ангрэн Давлат иссиқлик электр станциясида, Олмаликдаги «Амофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ангрэн, Чирчиқ ҳамда Олмалик шаҳарларидаги касаба уюшмалари иштирокида ўтказилган семинарлар шулар жумласидандир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тармоқ каса-

ба уюшма Марказий кўмитасига кўплаб фуқаролардан ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушмоқда. Йил бошидан

ҳамда муассасалар раҳбарлари қонунларни назар-писанд қилмай «ўзим хон — кўланкам майдон» қабилда иш юритмоқдалар. Тўғри, адолат тикланади. Лекин бунинг учун қанчадан-қанча вақт беҳуда сарф бўлади, асаблар қақшади. Масалан, Янги Ангрэн Давлат иссиқлик электр станцияси ишчиси С.Аминовнинг ойлик мукофотдан нотўғри маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги аризасини олиб кўрайлик. Мазкур иш аҳолининг ҳақдорлиги кўрилганда ҳақиқатан ҳам иш берувчи томонидан қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилинган аниқланди ва иш берувчининг бўйруғи билан ишчини ойлик мукофотдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди.

Биз касаба уюшма ходимлари тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида улардан келатган ариза ҳамда шикоятларни ўз вақтида синчиклаб ўрганиб чиқиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар кўрмоқдамиз. — дейди Марказий кўмита бош меҳнат ҳуқуқий нозир Шарофат Зокирова. — Чунки касаба уюшма ходимининг фаолият мезони — адолатдир, деб ўйлайман.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, муаммолар кўриб чиқилаётганда уларни ҳолисона ҳал қилиш учун касаба уюшма ходимлари қатъийлик кўрсатаётилар. Бу эса пилорвард натижа яхши бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

«ҚИШЛОҒИНГИЗ МАФТУНИМАН»

Бундан беш-олти йил муқаддам Мингбулоқ туманининг «Наманган» ширкат хўжалигига қарашли Гуртепа қишлоғидан тушган шикоят хатини ўрганишга борганимдаги кўрганларим эсимдан чиқмайди. Бир неча қиз лойқаланиб оқётган бўта-арикдан челақларига сув олишар, ёши етмишларга яқинлашган нуруний қаердандир ўрган ўтини орқалаб келарди. «Эътибордан четда қолган қишлоқ» сарлавҳали мақола шу тариқа ёзилган эди...

Ўқинганда эса мазкур ширкат хўжалигида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш яхшиланиб, қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, турмуш маданияти кўтарилиб бораётгани ҳақидаги гапларни эшитдим, ўша томонга яна бордим.

Кўрганларимга ишонгим келмасди. Бир-бировидан шинам янги иморатлар қурилган, хусусий маиший ва савдо хизмати кўрсатиш тармоқлари пайдо бўлган, хуллас, қаёққа қараманг, саранжом-сариятлик хўзга ташланади. Худудда 60 дан орттиқ хусусий тармоқ фаолият кўрсатаёпти. Бугунги кунда ёғоч ва донни қайта ишлаш,

автомобил ва пойабзални таъмирлаш, кийим тиктириш ва бошқа кўпгина эҳтиёжлар учун туман марказига бориб юриш шарт эмас.

Қишлоқ йўли ҳар икки қирғоғидаги ёритгичлар атрофга янада файз бериб турарди.

— Бу борада биз гоят эҳтиёткорлик билан иш олиб бораёмиз, — дейди шу ерда туғилиб ўсган ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Маҳмуджон Қораматов. — Йил бошида касаба уюшма кўмитамиз билан кўшма йиғилиш ўтказиб, шу масалани қараб чиққанмиз. Худудимизда 60 нафар кўмакка муҳтож ёлғиз қария ва ногирон, 40 та кўп болали, кам таъминланган оила

бор. Биринчи навбатда уларни ижтимоий ҳимояга олиш чорасини кўрганмиз. Вақти-вақти билан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қиш мавсуми учун ёқилги ва бошқа томонлардан ёрдам кўрсатиб борилади. Эҳтиёткорлик қишлоқнинг уй-жойлари таъмирлаб берилмоқда. Турар-жой қурилишида ҳам кўмаклашиляпти. Масалан, 2-гурӯх ногирон Хошим Абдуназаров, 1-гурӯх ногирон Бахтиёр Абдуназаров, кўп болали Иброҳим Ҳотамов, қаровчисиз онахон Шарофат Шоматоваларга уй қуриб берилди. Уруш қатнашчиларидан Донабой Худойбердиев, Қамбарали Хошимовлар уйлари таъмирдан чиқарилди.

Унинг айтишича, меҳнат ахлини ижтимоий ҳимоялаш борасида катта тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳозирга келиб деярли 82 фоиз хонадонда газ ёнмоқда. Деярли барча қишлоқлар маҳаллаларига тоза ичимлик суви етиб борган. 1200 оилага ер участкаси берилди. Уларнинг 90 фоизи турар-жойларини битказиб, ҳовли тўйи ўтказдилар. Шу йилнинг ўзида юз оила ер участкаси билан таъминланди. Яқинда қиш-

Фахр

лоқ врачлик тармоғининг ишга тушгани нур устига аъло нур бўлди. Энди қишлоқ ахли туман марказига овора бўлиб қатнаш машаққатидан қутулди. Айни пайтда хўжалик қишлоқларида 7 та мактаб, 6 та болалар боғчаси, 2 та ҳаммом, 60 ўринли шифохона, 15 та дўкон ишлаб турибди.

Табиийки, буларнинг ҳаммаси учун биринчи навбатда маблағ зарур. Омилкорлик бўлган жойда эса қурилиш ва ободончилик ҳам, ижтимоий ҳимоя кўламлири ҳам тобора кенгайиб боравериши табиий. Бу йил фақат галлачиликнинг ўзидан йиллик топириқ ошириб адо этилганлиги боис 9 миллион сўм атрофида соф фойда кўрилди. Пахта тайёрлаш бўйича туманда илғорлар қаторида кетаётган хўжаликда шу тармоқдан камида 20 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг тараққий этиб бораётганлиги эса ижтимоий ҳимояни тагин ҳам кучайтириш имконини бериши турган гап.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.



ОЛОВ — ЁВ

Тун. Осовишталик ҳукм сурмоқда. Шу пайт «01» телефонига ёнгин чиққанлиги тўғрисида хабар берилди. «Ўзавтойул» давлат акциядорлик компаниясига қарашли ўқув маскани фотоплабораториясида электр асбоблар ўчирилмаганлиги боис ёнгин содир бўлган. Ўт ўчирилган гурӯҳи зудлик билан воқеа жойида ҳозир бўлиши, кучаяётган оловни ўчиришиди. Ҳайриятки, вақтида қўрилган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳеч қандай зарар кўрилмади.

Мана шундай кўнгилсиз ҳодисаларни бартараф этишда Тошкент шаҳар ИИББ ёнгин хавфсизлиги бошқармасининг Миробод тумани 3-сонли ҳарбий-лаштирали ёнгиндан сақлаш бирикмаси ўт ўчирувчилари жонбозлик, фидойилик кўрсатишмоқда.



Ёнгин асосан фуқароларнинг лоқайдликлари оқибатида содир бўлмоқда, — дейди бирикма бошлиғи, ички хизмат подполковниги Фахриддин Ходиев. — Аксарият ҳолларда, хонадонларда ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилмаслик, ёш болаларни қаровсиз қолдириш каби бепарволиклар ноҳушликларни келтириб чиқармоқда. Шу боис аҳоли ўртасида, корхона ва ташкилотларда кенг қамровли профилактик ишлар олиб

барилаяпти. Бу ёнгин содир бўлишининг бирмунча камайишини таъминляяпти. Агар ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида 112 та ёнгин чиқиб, 4 нафар киши тан жароҳати олган ва шунча киши дунёдан кўз юмган бўлса, жорий йилнинг шу кунигача 101 та ёнгин содир этилиб, 2 нафар киши тан жароҳати олганлиги қайд этилди. Ёнгиннинг олдини олиш бўйича 40 та маҳаллада нозирларимиз учрашувлар ўтказиб тегишли йўриқнома, тушунтириш ишларини олиб бориляпти.

ЗАРБА ВА ЯНА ЗАРБА

Халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда паноҳ топган Усама бин Лоден ва «Ал-Қоида» уюшмаси аъзоларини ушлаб бериш хусусидаги талаблари қондирилмаганидан сўнг, АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий кучлари мазкур мамлакатда ҳужумкорлик қилаётган «Толибон» позицияларига ва Усама бин Лоден яширинган жойларга турли йўллар билан қаттиқ зарба беришга қарор қилди. Утган душанбага ўтар кечаси дастлабки ҳужум амалга оширилди. Қобул, Қандаҳор, Жа-

Бепарво бўлмайлук!

Биринчи навбатда уларни ижтимоий ҳимояга олиш чорасини кўрганмиз. Вақти-вақти билан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қиш мавсуми учун ёқилги ва бошқа томонлардан ёрдам кўрсатиб борилади. Эҳтиёткорлик қишлоқнинг уй-жойлари таъмирлаб берилмоқда. Турар-жой қурилишида ҳам кўмаклашиляпти. Масалан, 2-гурӯх ногирон Хошим Абдуназаров, 1-гурӯх ногирон Бахтиёр Абдуназаров, кўп болали Иброҳим Ҳотамов, қаровчисиз онахон Шарофат Шоматоваларга уй қуриб берилди. Уруш қатнашчиларидан Донабой Худойбердиев, Қамбарали Хошимовлар уйлари таъмирдан чиқарилди.

Унинг айтишича, меҳнат ахлини ижтимоий ҳимоялаш борасида катта тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳозирга келиб деярли 82 фоиз хонадонда газ ёнмоқда. Деярли барча қишлоқлар маҳаллаларига тоза ичимлик суви етиб борган. 1200 оилага ер участкаси берилди. Уларнинг 90 фоизи турар-жойларини битказиб, ҳовли тўйи ўтказдилар. Шу йилнинг ўзида юз оила ер участкаси билан таъминланди. Яқинда қиш-

ҚИСҚА ТУТАШУВ ЮЗ БЕРГАНДА

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи сурхондарёлик ўт ўчирувчилар учун бир қадар ташвишли кечди. Ёз фаслининг иссиқ ва қурғоқчил келиши, айрим фуқаролар, мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги тўғрисида ёнгинлар сони камайди. Турган гапки, талофат ва йўқотишлар ҳам шунга яраша бўлди. Чунки, ўтган даврда рўй берган 581 та ёнгин сабабли вилоят қарийб 130 миллион сўмлик моддий зиён кўрди. Олти киши ҳаётдан кўз юмди. 67 киши эса турли даражада тан жароҳати олди.

Сентябр ойида юз берган айрим ёнгин ҳодисаларини таҳлил қиларкан, Сурхондарё вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти Аскарвали Номозов «Туркстон-пресс» мухбирига шундай деди:

Сариосий туманидаги Гулат Хидиров номи ширкат хўжалигида яшовчи Холбобо Тўраевнинг уйида электр симининг қисқа туташуви натижасида ёнгин чиқди. Бундан хонадон эгалари зарар кўрди. Бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Денов туманидаги «Мингбулоқ» маҳалла фуқаролари йиғинида яшовчи Фанишер Шапиевнинг оила аъзолари мириқиб телевизор томоша қилишарди. Томоша ўз йўлига, телевизор ўчилмасдан қолади. «Ойнаи жаҳон» роса қизигач, олов вужудга келди. Хонадон эгалари бундан анча моддий зиён кўришди. Сентябрь ойининг охириг кунини Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи А.Расулов хонадонидан қилар унутмасалар керак. Чунки шу кун бу ховлининг молхонасида ёнгин юз берди. Дарҳол ўчиришнинг илжи бўлмагач, бу ёнгин уй эгаларига 233 минг сўмлик талофат келтирди. Ваҳоланки шундай бўлмаслиги мумкин эди.

Хушёрлик, эҳтиёткорлик қўлдан кетса, одамга лоқайдлик, гафлат ҳамроҳ бўлса, ёнгин хавфсизлиги тўлиқ таъминланмаса, ёнгин худди фурсат пойлаб ётган аждаҳдек бош кўтаради.

«Ал-Жихад», «Асбат ал-Ансар», Лубнон жанговар ислом гурӯҳи, «Ал-Иттиҳоди ал-Исломия», «Адан ислом армияси», «Ар-Рашид трести», «Вафо» ташкилоти, «Мамун Дарканзонли компанияси», Усама бин

АЙТИЛГАН СЎЗ — ОТИЛГАН ЎК

Терроризмга қарши кураш ва унинг илдиэларини кўпориб ташлаш борасидаги Ўзбекистон позици-

раларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, улар кўмағига танишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак», дейилди мазкур Баёнотда.

деди: «Мен, менинг онам, ака-укаларим Юртбошимизнинг қароридан катта қониқти ҳосил қилдик. Терроризм бор экан, у келажимизга хавф-хатар солаверарди. Шунинг учун биз йўқолсин терроризм, деймиз».

Навоий вилояти Хатирчи туманидан Сайфи Раззоқов шундай деб ёзибди: «Мен «Шохсувор» фермер хўжалигининг раҳбариман. Элулус қатори биз ҳам эндиликда дорилмон кунларга етишдик. Бизнинг тараққиётимизга гов бўлмоқчи бўлган террорчи муртадларнинг жойи жаҳаннамдир».

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 84-ўрта мактабининг физика ўқитувачиси Алишер Эшбоевнинг фикри эса мана бундай: «Мен умримни келажак авлод камолотига бахшида қилганман. Зотан, улар истиклол меъморларидир. Мен ва рафиқам Соҳиба уч нафар фарзандларимизнинг ўша-

лар қаторида бўлишни жуда-жуда истаймиз. Зеро, тинчлик учун қураш керак. Террорчиларни жаҳон бўйлаб бутунлай йўқ қилиш ҳам-жамиятнинг вазифамиздир».

Юқоридаги каби ва бошқа минглаб ҳамюртларимизнинг фикрларидан шундай хулосага келиш мумкин: халқаро терроризм ўлимга маҳкум.

асминачдан, 2 та сувости кемасидан, 140 та самолёт, 900 та «Томогавк» русумли ракетагадан, шунингдек, бир неча «Авак» русумли уюқлардан иборат деб ҳисобланмоқда. Толиблар эса ўша пайтда 100 минг кўшинга, 2200 та танк ва зиркли машиналарга, 15 та тайёрага, 10 та вертолётга, 200 та реактив қурималарга, 3000 га яқин артиллерия тизимларига эга эди. Қатор зарбалардан сўнг уларнинг кучлари анча камайиллиги табиийдир.

ХОТИМА ЎРНИДА

Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг таъкидлашига қараганда, Афғонистонда бошланган террорчиларга қарши кураш муросаси бўлади. АҚШ Президенти Ж.Буш ҳам бошида баайни ана шундай фикрда турди. Ўзбекистон нуқтаи назари эса Президентимизнинг Баёнотида аниқ равшан белгилаб берилди: «Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда турмаслиги табиий».

Раҳимберди УМАРОВ,
журналист.

ТЕРРОРИЗМ

Лоден, Муҳаммад Атиф, Сайф ал-Одил, Шайх Саид, Абу Хафс, Ибн ал-Шайх ал-Либи, Абу Зубайда, Абдал-Ходи ал-Ироқий, Айман ал-Заховирий, Тарик Анвар ас-Саид Аҳмад ва бошқа ўнлаб гурӯҳ ҳамда шахслар қонундан ташқари жиноий ташкилотлар ва шахслар деб эълон қилинди. Энди АҚШ ва бошқа давлатлар олдида уларга қарши кураш вазифаси турар эди. Дунёдаги юзга яқин давлатлар ана шу яқона муштарқ бирлашиш хохилини билдирдилар.

яси бир неча йиллардан бўён маълум эди. Демак, республикамиз терроризмга қарши эълон қилинган ушбу умумий курашдан четда туриши асло мумкин эмас эди.

Мазкур нуқтаи назар Ўзбекистон Президентининг Баёноти ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирига берган жавобларида ўзининг тўлиқ ақсини топди. «Халқаро терроризмга қарши курашда қатъий билдиранган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз хавфсизлик, чега-

ХАЛҚ ҲАМИША ҲАҚ

Ўзбекистон Президентининг Баёнотида фуқароларимиз қандай муносабатда бўлдилар? Бунга Ўзбекистон телекўрсатувлари, радио эшиттирилари, матбуот саҳифаларидаги чиқишлардан ҳам билиб оласан бўлади. Биз ҳам айрим мисолларни келтирмоқчимиз. Қирбай туманининг Кўшқўрган қишлоғида истиқомат қилувчи Бахтиёр Акбаров бизга телефон қилиб, шундай



Умринг шу олмайди тотли бўлсин.

Ш. АКРОМОВ олган сурат.

ЁШ БОКСЧИ ҒАЛАБАСИ

Хоразм вилоятида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, иқтидорли спортчиларни камол топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис ҳам вилоятнинг ўнлаб ёш спортчилари турли нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя этишмоқда.

Яқинда хоразмлик ёш боксчи Шухрат Рўзиматов Германияда ўтказилган халқаро турнирда қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, вакилларимиз умумжамоа ҳисобида ҳам пешқадам бўлдилар.

Ушбу муваффақият сабаб касаба уюшма спортчиси Ш.Рўзиматов касаба уюшмалари вилоят кенгашида қабул қилиниб, қимматбаҳо эсдалди совғалари билан тақдирланди.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Спортнинг оммавийлиги йўлида

Вилоят кишлоқларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини жойлантириш мақсадида «Пахтакор» спорт залининг бўш турли қолмаслигига жиддий эътибор қаратмоқда. Шу тариқа спорт оммавийлигига

лот, корхона ва хўжалиқларда, болалар оромгоҳларида турли беллашувлар ташкил қилинаётгани спорт-

спорт залининг бўш турли қолмаслигига жиддий эътибор қаратмоқда. Шу тариқа спорт оммавийлигига

МУВАФФАҚИЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

у кўп жиҳатдан мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга боғлиқ

спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этилгани айти мундано бўлди. Ҳозир вилоятдаги Пахтачи, Нарпай, Ургут, Булунгур туманларида мазкур клублар намунали фаолият кўрсатмоқда. Умуман, вилоят бўйича кишлоқ меҳнатқашларининг 40 минг нафарга яқини спорт тўғрисида мунтазам жалб қилинган. Улар жами 2 мингдан зиёд тўғрақларда ўзлари қизиққан спорт турлари билан шугулланишмоқда. Бу касаба уюшмаларининг омани соғломлаштириш борасидаги ишларининг бир йўналиши, холос.

Хаммага маълум оддий бир ҳақиқат бор: инсон спорт билан шугулланса соғлом бўлади, соғлом кишининг эса меҳнати унумли, турмуши завқлидир. Шунинг учун вилоятдаги 623 та спорт майдончаси, 42 та стадион, 2 та сузиш ҳавзаси, 2 та эришилмоқда. Шу боис «Пахтакор» клуби иштирокчилари турли нуфузли мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритишмоқда. Йил бошида Пастдаргом туманида кишлоқ меҳнатқашлари ўртасида кураш бўйича ўтказилган мусобақаларда юздан зиёд полвонлар қатнашди. Фолиблар Бухорода ўтказилган республика турнирида II ўрин соҳиби бўлишди.

соғломлаштириш клуби мавқеини мустаҳкамламоқда. Шу ўринда Пахтачи, Ургут туманлари ҳокимликлари ва бир қатор хўжалиқлар амалий ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бундан ташқари, «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб вилоят хотин-қизлар спартакиадаси ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Фолиблар касабаси уюшмаларининг тармоқ спартакиадаларида ҳам муваффақиятли қатнашиб биринчи ўринни эгаллашди. «Саломатлик» спартакиадаси, кишлоқ футбол жамоаларининг «Олтин бош» республика турнирида ҳам самарқандликлар голиб чиқишди.

Таассуфки, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бир қатор туманларда «Пахтакор» клублари фаолияти суст. Сабоби унга масъул бўлган раҳбарлар мавжуд муаммоларга панжа орасидан қарашмоқда. Жуда кўп корхона, хўжалиқларда спорт йуриқчиси лавозими асоссиз равишда жорий қилинмай келинмоқда. Ваҳоланки, кишлоқ одамларининг, айниқса, ёшларнинг спортга иштиёқи зўр.

Оммавийликка эришиш мақсадида ташки-

Р.ХУДОЙҚУЛОВ, Самарқанд вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма кўмитаси «Пахтакор» спорт-соғломлаштириш клуби директори.

Кўш хушxabар

ҚУРИЛМА ТАШХИС ҚҮЯДИ

Тиббий муолажаларни олиб боришда қўлланилаётган замонавий аппаратлар орасида «УВЧ-30 М1», «Стимуля» деб номланган қурилмалар ҳам ажралиб туради. Булар Тошкентдаги «Супромед» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси томонидан яратилган бўлиб, даволаш ишларида жуда кўл келмоқда.

Кейинги йилларда фирма мутахассислари самарали изланишлари билан 20 га яқин аппаратлар юзага келди. Улар эндиликда қатор шифобахш даргоҳларда муваффақият билан қўлланилмоқда.

Хозир фирмада ташхис қўйиш ва даволаш ишларини олиб боришга ихтисослаштирилган яна қатор янги аппаратлар устида изланиш олиб борилмоқда. «CARDIOSTAR» деб номланган электрокардиограф қурилмалари намуналари юзага келди.

Компьютер кардиограф мажмуасидан иборат бу аппаратлар беморга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатишда кўл келади.

Ўзбекистон фан ва техника Давлат кўмитаси грантлари бўйича рўёбга чиқаётган бу хил тиббиёт техникаси янгилликлари чет эл аппаратлари билан бемалол рақобатлаша олади.

ТРАМВАЙ ВАГОНИДАГИ СУРАТЛАР

Транспорт воситалари орқали тарғиб қилинаётган турли маданий тадбирлар кўпчилиги эътиборини ўзига жалб этмоқда. Трамвай вагонлари ташқи томонларида акс этган манзарали расмлар ҳам йўловчиларда кизиқиш уйғотмоқда.

Шу яқин орада 28-йўналишда қатнаётган трамвай вагонларидан бири орқали болалар чизган расмлар намойиш қилинади. Гап шундаки, «Ўзбекистон келажакда», «Япония менинг тасаввуримда» деган мавзуларда болалар расмлари республика танлови ўтказилди. Унда еттига энг яхши ижод намунаси голиб деб топилди.

Танлов ҳайъати қарори билан бу манзарали расмлар мазкур трамвай вағони сиртида акс эттирилиб, минг-минглаб йўловчиларга кўрсатиладиган бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Коллеж ҳовлисида киришингиз биланок бу ердаги ободончилик, саранжом-сарихталиқ эътиборингизни тортади. Бироз айлансангиз, гуруҳ рақамлари ёзилган белгиларга кўзингиз тушади. Бу — ер участкалари парвариш учун талабаларга бўлиб берилганини билдиради.

ларга бўлиб савол-жавоб асосида дарс ўтиш ёки муаммоли дарс шакллари, назарияни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга бу ерда катта аҳамият берилляпти. Дарсларни амалиётга татбиқ қилиш

1998 йил 27-28 февралда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига бағишланган республика илмий-услубий конференцияси айнан шу ўқув даргоҳида ўтказилган.

Талабалар турли тадбирлар, кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида ҳар йили фаол иштирок этиб, коллежининг, республикада эса вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Ўқув масканида дарсдан кейин ҳам ҳаёт кизгин. Фанлар бўйича тўғрақлар, «Ёш ижодкор» номли қаламкашлар тўғрисида, еттига спорт секцияси, «Дил таронаси» мусиқий дастаси фаолият кўрсатмоқда.

мақсадида тумандаги «Пахтабанк», «Тадбиркорбанк», «Халқ банки» ва солиқ идораларида синфлар ташкил қилинган. Талабалар бу ерда етакчи мутахассислар билан мулоқотда бўладилар, назарий билимларини амалиётда синовдан ўтказадилар.

Эътиборга молик жиҳат шуки, ўқув масканида устоз-шогирд аънаси шаклланган. Устозлардан педагогик маҳорат ва илмий соҳада изланишлар сирини, малакасини олган ёш иқтидорли ўқитувчилардан Гулчехра Султонова, Баҳодир Мўйдинов, Дилрабо Рустамовалар айни вақтда аспирантурада таҳсилни давом эттирмоқдалар.

Дастлаб банк коллежи сифатида ташкил қилинган ушбу ўқув масканига чет эллик меҳмонлар ҳам тез-тез ташриф буюришади. Жумладан, Европа Тасис дастури вакили Шоичо Курасаку, Осие тараққиёт банки вакили Френсис Макнамара каби жаноблар коллеж ҳақида ўзларининг илқ фикрларини билдирганлар. Дарвоқе,

Коллежда ижодкор ёшлар кўпчилики ташкил қилади. Фан, адабиёт, санъат соҳасида «Мустақил юртимни куйлайман!» шиори остида кўрик-танлов эълон қилинган бўлиб, ундан мақсад коллежда ёшлар тафаккурини, мустақил ва соғлом фикрлаш қобилиятини янада ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи, гўзал урф-одатлари, аънааларини ўрганиш ва тарғиб этиш ҳамда шу орқали уларни она Ватан, миллатга меҳр-муҳаббат, садоқат, буюк келажакка ишонч руҳида тарбиялашдир.

Дилдора АБДУЛЛАЕВА.

БАНКДА КОЛЛЕЖ СИНФЛАРИ

Республикада фаолият кўрсатаётган уч юзга яқин касб-хунар коллежлари орасида Андижон вилояти Олтинкўл тумани марказида жойлашган. Иқтисодиёт коллежининг ўрни бўлақча.

Коллежда банк иши, бухгалтерлик ҳисоби, молия, ижтимоий таъминот хизматини ташкил қилиш, ҳуқуқшунос-иқтисодчи каби йўналишларда мингдан ортиқ талабалар кундузги ва сиртки бўлимларда таълим олмоқдалар. Талабаларга барча қулайликлар яратилган. 350 ўринли ётоқхона, 400 ўринли фаоллар зали, 14 минг китоб захира-сига эга кутубхона, 3 та компьютер-лингфон хоналари, 2 та ўқув, 2 та маълумот ва 1 та илмий ҳамда спорт зали мунтазам ишлаб турибди.

Таълим тизимини ривожлантириш — долзарб масала. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг афзаллиги шундаки, у илғор тажрибалардан фойдаланилган, халқи-

мизнинг миллий шаклланиш тарихидан келиб чиқиб яратилган ўзига хос дастурдир, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Шукржон Мамадқулов. — Агар талабанинг илм олишини ҳаётий эҳтиёжга айлантира оласак, кўзланган натижага эришамиз, албатта.

Дарҳақиқат, янги педагогик технологияларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши ўз самарасини бермоқда. Талабаларда билимга чанқоклик, фанларга қизиқиш руҳи ортиб бормоқда. Шунингдек, коллежда ўқитувчилар таркибини илмий салоҳияти бўлган кадрлар билан тўлдиршига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, изланувчан ва ижодкор ўқитувчи ўз ортидан шогирдларини эргаштира олиши, шубҳасиз.

Ноънавий дарсларнинг самараси шундаки, ўқитувчи ҳамда ўқувчининг фаоллиги одатдагидан анча ортади. Бинобарин, бугунги кун талаб ҳам янгилик, изланишдир. Шунинг учун ҳам талабаларни гуруҳ-

«Трансавтотуризм» жамоаси ўзининг шинам, қулай, замонавий автобусларида жонажон Ўзбекистонимизнинг тарихий, қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз бўйлаб корхоналар, ташкилотлар, муассасалар жамоаларининг саёҳатларини ташкил этади.

Жаннатмакон ўлкамиз тўғрисида тўлароқ маълумот олишни ва муборак қадамжоларни ўз кўзингиз билан кўришни истасангиз, бизга мурожаат этинг, хизматингизга тайёрмиз.



Кўнғирок қилинг, мазмунли саёҳатда бўласиз.

Телефон: 21-05-75, 21-03-51, 24-94-07

Ажабо!

«ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРАДИ»

Бу ибора синчков ва эринмай ишлайдиган кишиларнинг хусусиятларини кўрсатиш учун ишлатиладиган мажозий маънодаги гап, албатта.

Аммо ҳозирги мукамал физика лабораторияларида секунднинг юз миллиардан бир қисмини ҳам ҳисоблаш мумкин. Бундай мураккаб вазифани бажарган олимлар учун қилни қирқ мингга бўлиш оддий бир иш бўлиб қолди.

Тахририятга хат

ЎГАЙ ДАҲА

Биз — азим Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган Кўкча даҳасида истиқомат қиламиз. Бир вақтлар биз томонларга 1-, 8-, 11-, 17- трамвайлар қатнар эди. Бугунги кунда 8-трамвай йўналишигина мавжуд. 1- шаҳар шифохонасидан қатновчи 7-, 16- трамвайлар қатнови негадир тўхтатилди.

Биз истиқомат қилаётган ораликдаги Кўкча даҳаси, аҳоли энг зич жойлашган худуд бўлиб, Исломобод, Кўкча, Дарвоза, Шофайиз каби маҳаллаларнинг ҳар бирида ўртача 5 — 6 минг нафардан киши яшайди. Ҳар кун эрталабдан манзарага қараб ҳавотирга тушсан киши: одам кўп, транспорт камлигидан хатто аёллар, болалар трамвайда эзилиб кетишга мажбур бўлмоқда.

Мазкур даҳа аҳолисини ҳайрон қолдирадигани, нима учун бошқа йўналишларда кўшимча — автобус, трамвай қатновлари йўлга қўйилгану, биздан бори ҳам олиб ташланди? Ахир пойтахтимизнинг энг қадимги ва катта дарвозаларидан бири бўлган Кўкча дарвозасидан Кўйлик, Қорасув, Юнусобод, Янгиобод, Чилонзор даҳаларига тўғридан-тўғри қатновчи йўналишлар нима учун мавжуд эмас?

Кўп минг сонли даҳа аҳлининг талаб ва истакларини назарда тутиб, мутасаддилар 1-шаҳар шифохонасидан айланиб қайтувчи 91-автобуснинг охири бекатини Кўкча бекатига узайтириб, 7-, 16-трамвайлар қатновини йўлга қўйиш масаласини ижобий ҳал этсалар катта даҳа аҳлининг мушқули осон бўлур эди.

Маҳалла фаоллари номидан: Фатхулла МУСАЕВ, хизматчи.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Нархон Раимовага онаси **Александра РАИМОВА**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати тармоқ ходимлари касаба уюшма кўмитаси бош ҳисобчиси Дилбар Сайдалиевага падари бузруквори

Раҳмонали САЙДАЛИЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.15

Махсилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатиш: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда тирилди ва сақланган. Обсез усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.